



**Харакатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналишида аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш каби долзарб вазифалар белгиланган.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан табрик йўллади.

Ушбу сана арафасида келган мактубда бундай дейилади: «Мамлакатларимиз 19 февраль куни АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонлайди. Биз икки томонлама муносабатларда эришилган кўп қабатли натижаларимиз билан фахрланишимиз мумкин.

Келгуси йилларда ҳам минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги умумий мақсадларимизни амалга оширишда Сиз билан ҳамкорликда ишлаймиз, деган умидданаман. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг қўшни давлатлари суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий ахлитлигини, шунингдек, Сизнинг Марказий Осиёни янада тараққий эттириш ва ўзаро ҳамжиҳатлигини мустақамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлайди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампга табрик мактубида бундай дейилади: «Ўтган даврда ўзаро дўстлик ва шериклик муносабатларида мустақам пойдевор яратилди. Кўп қиррали ҳамкорлигимиз изчил ва кенг қўламлили касб этди».

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ташқи сиёсатининг фундаментал принцип ва концептуал асослари ўзгармасдан қолишни алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатлари билан аънавий муносабатларни сақлаш, ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустақамлаш ва ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир.

Мактубда Америка бизнесининг мамлакатимизда узоқ муддатли фаолият юритиши ҳамда АҚШнинг етакчи корпорация ва компаниялари билан инвестициявий-технологик ҳамкорлигини янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзаро англашув, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни янада ривожлантириш Ўзбекистон ва АҚШ халқлари манфаатларига хизмат қилишини қайд этган.

ЎЗА



## ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

фаолиятимизни тубдан кучайтиришимиз зарур

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, минтақавий партия кенгашлари раислари иштирок этди.

Йиғилишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда, айниқса, Харакатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши — ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилди.



## Парламент аъзоси минбари МУРОЖААТ ВА ТАКЛИФЛАР ҳар доим эътиборда бўлади

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида тузилган ишчи гуруҳ таркибида 1-7 февраль кунлари Бувайда туманида бўлди. Дастлабки уч кун уйма-уй юриб, фуқаролар билан бевосита мулоқот ўтказдик. Уларни қийнаётган муаммолар ҳамда таклифлар муҳокама этилди. Шундан сўнг ўзимизга бириктирилган соҳани ўрганишга киришдик.

Таъкидлаш лозимки, халқ билан мулоқот жараёнида бу масаланинг нақадар тўғри ва самарали эканини англаб етдик. Тумандаги ижро ҳокимияти, прокуратура, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти таҳлил этилди.

Шу қисқа вақт давомида 969 та хонадонга кириб борилди ва 650 масала рўйхатга олинди. Уларнинг 266 таси пластик карталар оқали тўловларни амалга ошириш, 83 таси банклар фаолияти билан боғлиқ бўлса, 50 мурожаат коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид эди. Соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш билан боғлиқ 29 таклиф билдирилди. Иш билан таъминлаш масаласида 20 га яқин ва таълим соҳасига алоқадор 15 та мурожаат тушди. Қолган мурожаатлар пенсия ва нафақаларни тайинлаш, моддий ёрдам ажратилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига доир ва бошқа турли ижтимоий соҳаларга тегишли бўлди.

Мурожаатлар таҳлил қилиниб, улардан 246 таси жойида ҳал этилди, 386 таси бўйича тегишли маъмул идораларга кўрсатмалар берилди. 18 масала республика даражасида ҳал этилиши лозимлиги сабабли тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Мулоқотлар давомида камчилик ва муаммоларга шахсан гувоҳ бўлдик. Масалан, Чўмбоғиш маҳалласидан Мухторали Эсонқулов эшик-ром ясовчи уста бўлиб ишлайди. У ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кредит олишда қийналаётганини айтди. Амир Темур кўчасида яшовчи Кенжабой Маҳмамов қорамол боқиш учун кредит олиш нияти борлигини билдирди. Уларнинг мурожаати Халқ банки туман филиали ёрдамида ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Андижон кўчасида яшовчи Акрамжон Турсунжоннинг 1993 йилда туғилган 2-гуруҳ ногирон қизи бир жойда ётиб қолибди. Фуқаро қизини 1-гуруҳ ногиронлигига ўтказиш масаласида ёрдам сўради. Ишчи гуруҳ ташаббуси билан туман тиббий бирлашмасининг махсус комиссияси Акрамжоннинг уйига бориб, мавжуд аҳолини ўрганиш ва масалани ижобий ҳал қилди.

Аҳолини қийнаётган яна кўп қабатли масалалар ҳам тегишли тартибда ўз ечимини топди. Шу билан бирга, ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбариятининг фуқаролар билан ишлаш босқинчилиги камчиликларни кўрсатиб ўтилди ва уларга амалий ёрдам берилди.

**Баҳром ОБИДЖОНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси, ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

## «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови

Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида 151 нафар депутат фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 22 нафарини, шунингдек, партия аъзоларининг ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил этади. «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови сафимизга фаол, ташаббускор опа-сингилларимизни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари вилоят босқинчида иштирок этган хотин-қизлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

## Республика босқинчида йўлланма

Танлов низомига кўра, биринчи шартда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг сиёсий фаолигини ошириш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа йўналишдаги лойиҳалар тақдим этилди.

Олтинсой тумани вакили Шаҳноза Муҳаммадиева хотин-қизларни қанчалар кўришга жалб қилишнинг самарали йўллари ҳақида сўз юритган бўлса, Шеробод туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувачиси Гўзал Аллабердиева хизмат кўрсатишни ривожлантиришга оид лойиҳасини илгари сурди.

«Қонунларимиз — ҳаётимиз асосидир» шартида иштирокчиларнинг ҳуқуқий билими синовдан ўтказилди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга электроран манфаатларидан келиб чиқиб, таклифлар билдирилди.

«Сиёсий ҳозиржавоблик» шартида қатнашчилар Конституция, сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари, партияимиз Дастури ва бошқа мавзуларда тузилган саволларга жавоб беришди.

Якуний натижаларга кўра, Термиз туманидан Матлуба Соҳиева ғолиб деб топилди, танловнинг республика босқинчида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Барча иштирокчиларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Нилуфар ШАЙМАНОВА

## Брифинг

## ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисидаги фармонида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли тармоқлари, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга доир устувор йўналишлар белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари билан учрашувларида ҳам соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар танқидий таҳлил этилди, уларнинг ечимлари, соҳанинг ривожланиши истикболлари белгилаб берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Тошкент шаҳар ҳокими пойтахтимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш, тиббиёт муассасалари фаолиятини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида шаҳар ҳокимлигида брифинг ўтказилди.

— Пойтахтимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни

айниқса, беморларга аниқ маълум бериш мақсадида шифохоналардаги барча палаталарга тиббиёт муассасасида мавжуд доридармон воситаларининг рўйхати ийиб қўйилди, стационарларда даволанаётган беморларнинг доридармон сотиб олиб келишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник имконияти янада такомиллаштирилмоқда. Яқинда ушбу тизимга яна махсус жихозларга эга 20 та замонавий автомашина ажратилди. Бу қадамларга ўз вақтида етиб бориш имкониятини кенгайтирмоқда.

Брифингда тизимда олиб борилаётган бошқа ишлар хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Хатамжон Кетмонов Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнларида аҳолининг кенг қатлами, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органлари раҳбарлари ва мутахассислар қаторида партиямиз аъзолари, электорат вакиллари ҳам фаол иштирок этгани, ечимини қутаётган масалалар бўйича берилган таклифлар давлат дастурида ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлади.



# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

## фаолиятимизни тубдан кучайтиришимиз зарур



Кун тартибидagi масала юзасидан **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Рустам КОМИЛОВ** сўзга чиқди.

Президентимизнинг жорий йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари билан ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони билан мамлакат таракқиётининг келгуси 5 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди ва Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили бўйича Давлат дастури тасдиқланди, — деди у. — Мазкур дастурда юртимиз таракқиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги энг муҳим вазифалар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг аниқ устувор йўналишлари ўрин олган.

Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, албатта, парламент, сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмалари зиммасида ҳам масъулиятли вазифалар турибди. Бу масалада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз билан маҳаллий Кенгашлар депутатларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда парламент эшитишга олиб қиралаётган масалалар, электоратни қийнаётган муаммоларнинг аввало куйи бўғинларда, яъни туман, шаҳар, вилоят

Кенгашлардаги партия гуруҳларида, доимий комиссиялар мажлисларида, сессияларда муҳокама қилинишини кучайтириш, асосли, аниқ хулоса ва таклифларни парламентдаги партия фракциясига етказиш ишларини янада фаоллаштириш зарур.

Дастурда мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, мамлакатимизнинг олис ҳудудларини электр энергия, газ билан таъминлашни янада яхшилаш, таълим тизimini ислох қилиш борасида белгиланган чора-тадбирлар партиямиз Сайловолди дастури билан ҳамроҳандир.

Хусусан, Давлат дастурида мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича жорий йил давомида санаотда 5440 та лойиҳа асосида 131 мингта, қишлоқ ҳўжалигида 8430 лойиҳа асосида 55 минг 800 та, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида 11 мингта лойиҳа асосида 69 минг 500 та янги иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилмоқда. Ушбу йўналишда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ва қарорларни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Уларнинг ижроси бевосита Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатларига хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, аҳамиятини очиб берувчи тарғибот тадбирларини юқори даражада ташкил этишимиз лозим. Тадбирларда одамлар билан очик мулоқот қилиш, уларнинг фикрлари ва муаммоларини эшитиш, саволларига тўғри, аниқ жавоблар беришга эътибор қаратишимиз зарур.

**Рустам Комилов ўз сўзида депутатлар, партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ бошқа масалаларга ҳам атрофлича тўхталиб ўтди.** Шундан сўнг фракция аъзолари, худудий партия ташкилотлари етакчилари кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.



**Раимберган САБУРОВ,** халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислохотлар, амалий саъй-ҳаракатлар янги таракқиёт марраларини эгаллаш, замон шиддатига мос тарзда ривожланиш, халқимиз манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир. Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармон мамлакатимиз ҳаётида катта воқелик бўлди.

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат таракқиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликлари ҳамда аниқ марралари белгилаб берилган мазкур ҳужжатда қайд этилган вазифалар шу заминда яшаётган, эртанги кунга катъий ишонч билан қараётган ҳар бир инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширилаётган Давлат дастурида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг туб моҳиятида халққа ҳар томонлама қулайлик яратишдек эзгу мақсад мужассам.

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши давлат ва жамият қурилиши тизimini такомиллаштиришни назарда тутди. Шу мақсадда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш; унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бу қонун ижодкорлиги

фаолияти сифатини тубдан ошириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда долзарб аҳамият касб этади.

Депутат, партия гуруҳи раҳбари сифатида шунга айтишим керакки, бу борадаги ислохотлар бизнинг ваколатларимизни том маънода кенгайтиради. Аниқроғи, сиёсий партиялар фаолиятига алоқадор қонунларга қиритилаётган ўзгаришлар натижасида партия гуруҳлари маҳаллий Кенгаш сессияларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш ҳақидаги таклифларни қиритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, туман, шаҳар ҳокими номзодини вилоят ҳокими тегишли Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан масъулиятли ўтказган сўнг туман, шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиш меҳанизми йўлга қўйилди. Бу ўз навбатида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг қоникарсиз фаоли-

ти ҳақида хулосалар тақдим этиш ҳуқуқини беради. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг аҳолини ўйлантираётган муаммоларни самарали ечиши, ҳудудларни ривожлантиришда фаол иштирок этишига мустақкам замин яратади. Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши тизimini тубдан такомиллаштиришда янги босқични бошлаб беради, деб ўйлайман.

Гувоҳи бўлдикки, Давлат дастурида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида аниқ масалалар белгилаб берилган. Бу эса барчамизни бирдек масъулият билан ҳаракат қилишга ундайди. Шунинг учун партия гуруҳларимиз ва депутатлик бирлашмалари белгиланган вазифалар ишлаб чиқиш ёки муҳокама қилишга ундайди. Шунинг учун ҳам партия гуруҳлари ва фракция аъзоларининг узвий ҳамкорлигини кучайтиришимиз керак.

Умуман олганда, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга оширсак, мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаёти янада яхшиланади, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга олиб чиқиш имкониятлари кенгайди.

тўғри натижалари ҳақида аниқ маълумотлар тайёрлаш, бунга маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзоларини кенг жалб этиш зарур. Ўз ишини бошлашни истаганлар учун имтиёзли кредитлар берилишида юзга келаятган муаммоларни аниқлаш бўйича ёшлар орасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш, партия гуруҳларига таклифлар бериш меҳанизминини шакллантириш катта самара беради, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш мақсадида интерактив усулдаги тадбирлар қўламини кенгайтириш, айниқса, мавзулар хилма-хиллигига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Буларнинг барчаси ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни мустақкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жараёнларида муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.



**Мавжуда ҲАСАНОВА,** Сурхондарё вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари, Шеробод туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

Она ва бола саломатлигини мустақкамлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш устувор вазифалар саналади. Партиямиз дастурида ҳам мазкур тизимдаги ишларни самарали ташкил этиш, жойлардаги муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини юзасидан таклифлар билдириш ғоялари илгари сурилган. Шу мақсадда «Фаол аёллар» қаноти томонидан «Аёллар соғлиги — жамият бойлиги», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳалари ўтказиб келинмоқда. Бу йўналишдаги фаолиятимизни самарали амалга ошириш учун турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустақкамлашимиз лозим.

Ана шунда Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажара оламиз. Чунки аёл иш билан банд бўлса, жамиятга, оиласига

кераклигини ҳис қилиб яшайди. Хотин-қизларни бир жойга ййгиб, уларга маъруза ўқиш, саволларига умумий жавоб бериш усулидан воз кечишимиз лозим. Уйма-уй юриб, ҳар бир аёл билан сўхбатлашиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга қиритишимиз керак. Шунингдек, касаначилик меҳнатини йўлга қўйишга имкони мавжуд бўлган корхоналарни ўрганиб, хотин-қизлар билан меҳнат шартномаси тузишда амалий кўмак бериш зарур, деб ўйлайман.

Партиямиз Марказий Кенгаши томонидан «Ҳар бир инсонга меҳр-муруват кўрсатиш — бурчимиз!» деб номланган лойиҳа ишлаб чиқилди. Тадбирларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратсак, уларнинг фикр ва таклифлари асосида фаолиятимизга янгича ёндашув киритсак, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади.



**Хурзода СОДИҚОВА,** ЎзХДП Марказий Кенгаши «Ёш сиёсатчилар» клуби фаоли:

Ҳаракатлар стратегиясида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу партия ташкилотларимиз, депутатлар зиммасига жиддий масъулият юклайди, деб ўйлайман. Ёшларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий жиҳатдан тўғри маслаҳат бериш тизimini йўлга қўйишимиз, ёшлар билан мулоқот қилишда замонавий технологиялардан самарали фойда-

ланишимиз лозим. Жамоатчилик қабулномалари ҳузурда «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхона»ларини шакллантириб, уларга ҳафтада бир марта мутахассисларни жалб этсак, мақсадга мувофиқ бўларди. «Муаммоларни ҳал этишда менинг иштироким» лойиҳаси доирасида амалий тадбирларни қўйатириш чораларини кўришимиз керак. Шунингдек, битирувчиларнинг ишга жойлаштириш юзасидан олиб борилган мони-

торинг натижалари ҳақида аниқ маълумотлар тайёрлаш, бунга маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзоларини кенг жалб этиш зарур. Ўз ишини бошлашни истаганлар учун имтиёзли кредитлар берилишида юзга келаятган муаммоларни аниқлаш бўйича ёшлар орасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш, партия гуруҳларига таклифлар бериш меҳанизминини шакллантириш катта самара беради, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш мақсадида интерактив усулдаги тадбирлар қўламини кенгайтириш, айниқса, мавзулар хилма-хиллигига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Буларнинг барчаси ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни мустақкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жараёнларида муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.

**Ййгилишда, шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзоси Мақсуда Ворисова, Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдошева ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибидagi масала юзасидан таклифлар билдиришди.** **Ййгилишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини кучайтириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.**

**Гулрўх ОДАШБОВЕВА, Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,** «Ўзбекистон овози» муҳбирлари.



Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар сиёсий партиялар, депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Салтанат ШОТЛУГМАНОВ олган суратлар.



Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Самарқанд вилояти давлат солиқ идоралари томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ДОРИ «ҲОЙДА» БЕРМАДИ

— Қарорга кўра, 2017 йилнинг 1 январидан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олиннадиган дори-дармон воситалари, тиббиёт буюмларини, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиз, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда чекланган савдо устамадари билан сотиш белгиланди, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси масъул ходими Э.Махмудов. — Ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун нархлар тасдиқланди. Вилоятда аҳолига дори-дармон ва тиббий воситаларни чакана сотишга ихтисослашган 685 хўжалик субъекти ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи уч қорхона мутасаддиларига қарор талаблари тушунтирилиб, бу борада профилактика тадбирлари олиб борилди.

Аммо мазкур соҳада ҳали-ҳамон белгиланган тартибларга зид ҳолатлар, ноқонуний равишда дори воситалари савдоси билан шуғулланиш ҳолатлари кузатишмоқда. Жумладан, вилоят давлат солиқ органлари томонидан январь ойида беш ҳолатда давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний равишда дори-дармон воситалари савдоси билан шуғулланувчи ҳуқуқбузарлар аниқланиб, улардан 3,2 миллион сўмлик дори воситалари олиб қўйилди.

Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимларининг 28 январь куни ўтказган рейд текширувида фуқаро У.Дониёров ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний равишда дори-дармон воситаларини сотаётгани аниқланди. Ундан қиймати 1 миллион 600 минг сўмлик 53 турдаги дори-дармон воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Пайкари тумани давлат солиқ инспекцияси ҳамда солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўлими ходимларининг 30 январь куни ҳамкорликда ўтказган тадбирида «Пайкариқ деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятининг Давтепа филиалида фуқаро Д.Шаропов ноқонуний равишда дори-дармон воситалари савдоси билан шуғулланаётгани аён бўлди. Ундан тегишли ҳужжатлар асосида 1 миллион 752 минг сўмлик 184 турдаги дори-дармон воситалари ашёвий далил сифатида олинган.

Аниқланган ҳолатлар бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилди.

Ф.ХАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

БОЛАНГИЗ КЕЛАЖАҚДА ЯХШИ ИНСОН БЎЛИШИНИ, ЯХШИ ЯШАШНИ ИСТАСАНГИЗ

аввало унга китоб совға қилинг

Президентимиз ҳар бир чiqишида фарзандларимиз саломатлиги, илм-ҳунар эгаллаши ва албатта китоб ўқиши кераклиги ҳақида қуйиниб гапирди. Мен мамлакатимиз раҳбарининг китобхонлик аъёнларини тиклаш ва давом эттириш, айниқса ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш тўғрисидаги мулоҳаза ва даъватларини чуқур ҳаяжон ва фахр-ифтихор билан тинглайман.



Фарҳат АЛИЕВ олган сурат.

Психологларнинг таъкидлашича, китоб ўқиш аввало болаларда тинглаш қобилиятини оширади экан. Ота-онаси, ўқитувчиси, тенгдошларини осон тушунишга кўмаклашаркан. Бу айниқса, ланд-насихатга йўғрилган асарларни ўқишда янада ажроқроқ намоён бўлади. Китоб ўқийдиган бола ўзини асар қаҳрамонлари ўрнига қўйиб кўради. Улардан ўрганади. Улар билан бирга яшайди. Ўзига нисбатан талабчанлиги ошади. Шунингдек, бадиий асарни кўп ўқиган бола вақти

келиб, улғайганида ҳам бошқаларнинг ҳис-туйғуларини ангашга, ҳурмат қилишга одатланади. У дунёқараши, фикрлаши билан бошқалардан ажралиб туради. Ён атрофидоғларга, дўстларига, яқинларига ҳушмуомалалик ва эътибор билан қарайди. Бундан ташқари, китоб ўқийдиган болалар мактабда ҳам барчага ўрнак бўлади. Улар нафақат гуманитар, балки, аниқ фанларни ҳам чуқур ўзлаштиришади. Доимий равишда китоб ўқиш хорижий тилларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хориждаги университетлар олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари шунки кўрсатдики, суратли китоблар болаларда ижодкорлик қобилиятини оширишга кўмаклашар экан. Шунинг учун ҳам боғча ёшидаги фарзанд ва набираларимизга кўпроқ суратли китоблар олиб беришга одатланишимиз зарур. Шунингдек, олимлар бола қанча кўп китоб ўқиса, касб танлашда ҳам адашмаслигини таъкидлашмоқда. Китоб ўқиш умр йўлларидоғи тўсиқларни енгишга ёрдам беради. Буни

мен ўқувчиларим орасида ҳам кўп кузатганман. Болалик даврида кўп китоб ўқиганлар кейинчалик ҳаётда ўз ўрнини топишда қийналмайдилар. Ёнг асосийси, илм билан машғул бўлган боланинг бекорчи ишларга вақти бўлмайди. Қатор тадқиқотлардан маълум бўлишича, китоб ўқийдиган инсонлар альтсгеймер касаллигига камроқ чалинишар экан. Мия ҳам худди бошқа аъзолар сингари қўллаб-қувватлашга ва машқлар ёрдамида мустаҳкамланишга муҳтож бўлади. Китоб ўқиш эса бу борада энг самарали усулдир.

Педагогик фаолиятим давомидоғи шунга амин бўлдимки, фарзанд тарбиясига эътибор кучли бўлган оилаларда болалар ҳар томонлама етук бўлиб улғайишади. Оддий бир мисол: гул ёки бирор-бир ўсимликни яхши парвариш қилсангиз у кўзингизни қувонтириб гуллайди. Мева беради. Фарзанд тарбиясида ҳам шундай йўл тутиш керак, деб ўйлайман.

Ота-оналар фарзандлари билан биргаликда китоб ўқиши жараёнида улар ўртасида ўзига хос муносабат ўрнатиллади.

Биз фарзандларимизга совға олганда, уларнинг маънавияти ўсишига хизмат қиладиган буюмлар олишга эътибор берсак, уларни илмга, касбга йўналтирсак, бу билан ўзимизнинг келажагимизга бефарқ қарамаган бўламиз.

Статистик маълумотларга кўра, дунёда умуман китоб ўқимайдиган инсонларнинг 43 фоизи камбағал яшар экан. Саводли инсонлар орасида эса қашшоқликда яшайдиганлар жуда кам фоизни ташкил этади. Шунинг учун ота-оналар, айниқса, устоз-мураббийлар фарзандларимизни, ёшларни болалигидан китоб ўқиш маданиятига ўргатишимиз лозим.

Лола ТУРДИҚУЛОВА, Тошкент солиқ коллежи ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Ҳуқуқий ислоҳот

НИЗОНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛИ

Ҳаёт тажрибаси шунки кўрсатмоқдаки, ҳусурий сектор тараққий этгани сари, соҳа вакиллари орасида иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар, зиддиятлар, суд орқали ҳал этиш лозим бўлган ҳолатлар кўпаяди. Уларнинг барчасини судлар томонидан кўриб чиқиш мушкул, албатта. Ана шуларни ҳисобга олиб, мамлакатимизда «Ҳақамлик судлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Ҳақамлик суди фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат орган сифатида эътироф этилди.



Жумладан, ҳақамлик судларига муқобил ва мустақил судлов шакли бўлиши учун давлат томонидан бир қатор имкониятлар берилди. Ҳақамлик суди давлат судлари билан бир қаторда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган сифатида тан олинди. Хўжалик судларига тааллуқли бўлган ишлар низолашуви тарафларини келишувига кўра, ҳақамлик судида кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати, ҳақамлик судида ишлар тезкорлик билан ҳал этилади ҳамда тарафлар ўртасидаги ҳамкорлик сақлаб қолинади. Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради. Хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳақамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини

мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Ҳақамлик судлари йғими миқдори хўжалик суди ёки фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилганда тўлалиши лозим бўлган давлат божининг ярмидан ошмайди.

Ҳақамлик суди ҳал қилув қарори ихтиёрий бажарилмаган тақдирда, уни тегишли тартибда мажбурий ижрога қаратиш қонун билан кафолатланган. Миллий қонунчилигимиз ҳақамлик судларининг ҳал қилув қарорлари ижроси мажбурийлигини таъминлаш орқали, ҳуқуқий оқибати бўйича ҳақамлик судларининг ҳал қилув қарорларини давлат судларининг қарорларига тенглаштириб берди. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда давлат томонидан ҳақамлик судлари фаолиятига кенг йўл очиб берилди.

Ҳақамлик судида фақат битта инстанция мавжуд бўлиб, ишлар тезлик билан ҳал қилинади. Унда бошқа судлар каби апелляция, кассация, назорат инстанциялари мавжуд эмас. Ҳақамлик судининг қарори якуний ҳисобланади. Асосий мақсад тарафлар келишувига эришиш, уларни муросага келтиришдир. Бу жараёнда томонлар ўртасида ҳамкорлик муносабатлари кўп ҳолларда сақлаб қолинади.

Ҳақамлик судлари ҳақамлик муҳокамасининг махфийлигини тўлиқ таъминлайдики, тарафларнинг обрў-эътиборига путур етмайди. Бунинг учун ҳақамлик суди муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади. Бу — тарафлар ўртасида низо мавжудлиги, шунингдек, низоининг бирор-бир ўзига хос томони ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

Фуқаролик ҳуқуқий низоларини ҳал этишда ҳақамлик муҳокамаси муҳим аҳамиятга эга. Ҳақамлик судлари Ассоциацияси ҳамда унинг вазолатхона ва филиаллари ҳузурида айни вақтда 160 ҳақамлик судлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Ҳақамлик судлари Ассоциациясининг асосий вазифаси республикамиздаги ҳақамлик судларини ташкил этишга кўмаклашиш ва ривожлантириш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳақамлик судлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш орқали фуқароларнинг ҳақамлик муҳокамаси соҳасидаги ҳуқуқий онгини оширишдан иборат.

Ҳозирги кунда тизимдаги барча ҳақамлик судлари малакали судьялар билан таъминланмоқда. Судларда зарур моддий-техник база ҳамда шарт-шароитлар яратилганлиги ва тарғибот ишлари тўғри йўлга қўйилганлиги учун ўтган йил мобайнида даъво қиймати 58 миллиард 795 миллион сўмдан ортиқ 8925 даъво ариза ҳақамлик судлари иш юритишга қабул қилинган. Ушбу даъво аризаларининг 2725 таси ёки 30 фоизи фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда келиб чиққан низолар, 6200 таси ёки 70 фоизи тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳўжалик низолари бўлиб, уларнинг барчаси ўртача 6 кундан 15 кунгача бўлган муддатда белгиланган тартибда ҳал этилган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ҳақамлик судларининг фаолият кўрсатиши тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаши бораборида, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади. Чунки ҳақамлик судларининг мавжудлиги ривожланган давлатларда бўлгани каби, хорижий инвесторлар учун ҳам кафолат вазифасини ўтайди. Қолаверса, ҳақамлик судлари мамлакатимизда қулай бозор инфратузилмасини шакллантириш ва низоларни кўриб чиқишни халқаро талаблар даражасига кўтариш имконини беради.

Муртазо СУЛТОНОВ, Ўзбекистон Ҳақамлик судлари Ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамасининг 2016 йил 22 сентябрдаги 321-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошида Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда «Марказ» деб юритилади) ўз фаолиятини бошлади.

Вазирлар Маъҳамасининг юқоридоғи қарорига асосан давлат, идоравий, ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш вазолати берилган, шунингдек, экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритувчи мутахассислари Марказда белгиланган тартибда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтишлари лозим. Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширувчи шахслар ва қайта тайёрлаш, малака ошириш курсларидан мажбурий равишда ўтиши назарда тутилмаган бошқа шахслар, шунингдек, жисмоний шахслар Марказда ташкил этилаётган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида

шартнома асосида, ихтиёрий равишда таълим олишлари мумкин.

Шу муносабат билан, республикамиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар ҳамда қорхоналарнинг экологик хизмати ходимларини, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига бефарқ бўлмаган жисмоний шахсларни Марказнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига ўқишга тақлиф этамиз.

Манзилимиз: 100043, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7-уй. Мўлжал: «Новза» метро бекати. Тел/факс: (99871) 277-82-79, 277-93-87, Электрон почта: ecomarkaz@mail.ru

Спорт

19 февраль куни Саппорода VIII қишки Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур маросим Саппоро Доум (Sapporo Dome) стадионида ташкил этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси расмий сайтида хабар берилди.

Тантанали очилиш маросимидан аввал Саппорода Ўзбекистон байроғи кўтарилди.

VIII ҚИШКИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ Япониянинг Саппоро шаҳрида старт олди



VIII қишки Осиё ўйинлари 19 – 26 февраль кунлари Япониянинг Саппоро ва Обихиро шаҳарларида бўлиб ўтади.

Мусобақаларда иштирокчилар спортнинг 11 тури бўйича беллашади. Булар: хоккей, биатлон, кёрлинг, фигурали учиш, шорт-трек, конькида югуриш, тоғ чанги спорти, чанги пойгаси, фристайл, сноуборд ва трамплиндан сакраш спорт турларидир. Обихирода фақат конькида югуриш бўйича мусобақалар ташкил этилса, бошқа барча спорт турлари бўйича баҳслар Саппорода ўтказилади.

Қишки Осиё ўйинларида жами 32 мамлакатдан таширф буюрган 1200 нафар спортчи иштирок этади.

Бу сафарги қишки Осиё ўйинларида Ўзбекистон шарафига фигурали учиш бўйича терма жамоамиз азвоси Миша Ге ҳимоя қилади. У ўз иштирокини 24 февралда бошлайди. Шу кунги қисқа дастур бўйича мусобақалар Тошкент вақти билан соат 08:00 да эркин дастур бўйича беллашувлар ўтказилиб, ҳамюртимиз ушбу баҳсларда ҳам қатнашиши режалаштирилган.

Шунингдек, 26 февраль куни Макоманай муз саройида мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросими ўтказилади.

Ўз мухбиримиз.

Table with sports results: БУГУН, Об-ҳаво маълумоти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти +7/-10, Бухоро ва Навоий вилоятлари +5/-12, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари +4/-5, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари +4/-10, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари +4/-10, Тошкент шаҳри -2/-10

MUASSIS logo and contact information for the printing house.

Publication details including author names and contact information for the editorial office.

Subscription information for the newspaper, including contact details and pricing.

Information about the newspaper's circulation, distribution, and contact details.

Publication details including ISSN, issue number, and contact information for the publisher.